

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 485-ҳадис

485 - وَعَنِ النَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَرَّرَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَا أَصَابَ النَّاسُ مِنَ الدُّنْيَا فَقَالَ: لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَظَلُّ الْيَوْمَ يَلْتَوِي؛ مَا يَجِدُ دَقْلًا مَا يَمْلَأُ بِهِ بَطْنَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2978].

«الدَّقْلُ» بَفَتْحِ الدَّالِ الْمُهْمَلَةِ وَالْقَافِ: رَدِيءُ التَّمْرِ.

485. Нуъмон ибн Башир розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб одамларнинг қандай мол-дунёга эришганини айта туриб, шундай деди: «Мен эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кун бўйи очликдан букилиб, қоринларини тўйдиришга дақол\* ҳам топа олмай юрганларини кўрганман».

*Имом Муслим ривояти.*

\*Дақол: хурмонинг паст нави.

**Шарҳ:** Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари ва аҳллари бир неча кеча қаторасига оч ётишар эди, кечки таом топа олишмасди. Кўпинча уларнинг таомлари арпа нон бўларди» (Имом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам бир ойна ўтказишар, аммо олов ёқишмасди. Емишимиз хурмо ва сув бўларди, холос» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Оли Муҳаммад соллаллоху

алайҳи васаллам то у зот қабз қилингунларича икки кун кетма-кет арпа нонга тўйишмади» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Савол пайдо бўладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида бундан бошқа нарса бўлмаса саҳобалар ичларида давлатмандлар кўп эдилар. Ҳаммалари у зотдан жонларини ҳам аямасдилар. Улар бу ҳолни билиб туриб нима сабабдан сабр қилгандилар?

Жавоб шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай ҳолнинг ажридан умидвор бўлиб, ниҳоятда махфий сақлар эдилар. Оналаримиз ҳам шундай эдилар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVIQLARI